

# Муҳаммад ибн Абул Изз ал-Ҳанафий

15:30 / 28.03.2017 5037

## «АҚИЙДАТУТ ТАҲОВИЯ»НИНГ ШАРҲЧИСИ

1- У кишининг исми ва юрти:

-У киши-Садирдин Али ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абул Изз ал-Ҳанафий ал-Азроъий ад-Димашқий.

2-У кишининг туғилишлари:

-У киши 731х. санада Димашқда туғилганлар.

3-У кишининг вазифаси:

-У киши олдин Димашқда, кейин эса Миср диёрида Қозиюл қуззот-қозилар раиси-бўлганлар. У кишининг вақтларида бу вазифага Султон томонидан тайин қилиниб, оммавий ҳаётда муҳим ўрин тутган.

4-Ибн Абул Изз яшаган аср:

-Ибн Абул Изз яшаган давр сиёсий жиҳатдан жуда ҳам ёмон ва ўта кетган заифҳол бўлган. Чунки, ўша вақтда Ислом юртлари кичик-кичик давлатлардан иборат бўлиб, уларда ажам ва мамлук ҳукмдорлар ҳукм юргизар эдилар. У вақтда халифаликнинг исми ва расми-дан бошқа нарсаси йўқ эди. Амалда эса, сиёсат мазкур ажам ва мамлуклар томонидан юритилиб, улар кимни хоҳласа бўшатар, кимни хоҳласа таъйин қилишар эдилар. Ана шундоқ вақтда Ибн Абдул Изз одамлар орасида ҳақ ва адолат ила ҳеч бир маломатчининг маломати-дан қўрқмасдан ҳукм юритар эди.

Шунинг учун ҳам илмий асарлар кам бўлди, зеҳнлар кирлашиб, одамлар аслий ва фаръий масалаларда ўтганларга тақлид қила бошладилар. Уламолар ўтганларнинг китобларига мурожаат қилиб, уларнинг услубида китоб таълиф қилишни бошладилар ва яхши йўлга тушиб олдилар. Ҳар бир илм бўйича қилинган баҳсларни жамлаб катта-катта китоблар ёзганлар ҳам, ёки аксинча катталарини кичиклаштириб мухтасарлар қилганлар ҳам бўлди. Ана ўша уламолар ичида улкан олим Али ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абул Изз ал-Ҳанафий ҳам бўлиб, у киши исломий ва арабий кутбхонага кўплаб китобларни тақдим этди. Аллоҳ таоло у кишига илм ва дин йўлида қилган хизматларига яраша мукофотларни берсин.

5-У кишининг вафотлари:

-У киши 792 ҳижрий сана Зул-қаъда ойида вафот этдилар. Аллоҳ таоло у кишининг жой-ини жаннатдан қилсин.

6-«Ақийдатут-Таҳовия»нинг шарҳлари:

-Ақийдатут -Таҳовия»ни кўпгина улуғ уламолар шарҳ қилганлар. «Кашфуз

Зунун» китоби соҳиби улардан еттитасини санаб ўтган.

1.Али ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абул Изз ал-Ҳанафий ҳақида ҳозиргина гапириб ўтдик. Бу шарҳ «Аллоҳга ҳамд бўлсин. Биз Ундангина ёрдам сўраймиз. Ундангина мағфират сўраймиз», деб бошланади. Бу шарҳ энг гўзал, энг осон, энг мукамал, энг жамловчи ва энг манфаатли шарҳлардандир.

2. Маҳмуд ибн Аҳмад ал Ҳанафий ал- Қиннавий шарҳи. У 770 ҳижрий санада вафот этган.

3. Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ ал-Фақийҳий ал-Ҳанафий. У ўз шарҳини: «Алҳамду лиллаҳи ҳаданаа лиҳаза», деб бошланган.

4. Шужоъиддин Ҳибатуллоҳ ат-Туркистоний (736 ҳижрий санада вафот этган.)

5.Нажмиддин ибн Бакрийс (туркча шарҳ) 952 ҳижрий санада вафот этган.)

6.Қози Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ ал-Ҳиндий ал-Ҳанафий (733 ҳижрий санада вафот этган.)

7.Кофий ал-Ҳасан ал-Басновий ал-Иқхисорий (1025 ҳижрий санада вафот этган.)

8.Шайх Маҳмуд ат-Тарозий ал-Фарғоний, ал Муҳожир ал-Маданий назм қилган ва «ан-Назм ул Ҳовий ли Ақийдатит Таҳовий», деб номлаган (1912 ҳижрий санада вафот этган.)

9.Ҳамасрлардан Муҳаммад Анвар ал-Бадахшоний бошланғич ва сановий мадрасалар ўқувчилари учун шарҳ қилган.